

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ -ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВА ДИЛДОРА ХАСАНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ГЛЮТЕНСИЗ ХОМАШЁЛАРДАН НОН МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва
қайта ишлаш технологияси ва биотехнологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махмудова Дилдора Хасановна

Маҳаллий глютенсиз хомашёлардан нон маҳсулотлари
ишлаб чиқариш технологиясини тадқиқ қилиш3

Махмудова Дилдора Хасановна

Исследование технологии производства хлеба
из местного безглютенового сырья21

Makhmudova Dildora Khasanovna

Research on the production technology of bread
products from local gluten-free raw materials41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works44

МАХМУДОВА ДИЛДОРА ХАСАНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ГЛЮТЕНСИЗ ХОМАШЁЛАРДАН НОН МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва
қайта ишлаш технологияси ва биотехнологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В 2022.4.PhD/T3258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (рэзюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kiyo.tnu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталиди (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джахангирова Гулнора Зипатуллаевна
техника фаълари БУЙИЧА фалсафа доктори
(PhD), профессор

Расмий оппонентлар:

Додаев Қўчқор Одилович
техника фаълари доктори, профессор

Гафурова Дилорам Аббасовна
техника фаълари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридagi DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «15» 07 2023 йил соат «11» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: ikti_info@sdu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (588 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2023 йил «10» 06 куни тарқатилди.
(2023 йил «10» 06 даги №40 рақамли ресстр блёнтомаси).



С.М. Турибжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э. Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

К.Н. Соринов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш комиссияси илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда йилдан йилга дон оксиленинг проламин фракцияси-ошқозон-ичак тизимининг бузилишлари туфайли глютен энтеропатияси (целиакия) кўпайиб, касалликнинг давоси инсон умри давомида патогенетик мувозанат ва тўлиқ парҳез терапия ҳисобланади. Глютенсиз ундан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилиш нафақат целиакия касаллиги билан оғриган, балки «соғлом» турмуш тарзига риоя қилувчи аҳолини сифатли, озуқавий қиймати юқори бўлган нон ва нон-булка маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради ва бу турдаги маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда аҳолини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлашда жўхори уни, буғдой муртаги, мойли зиғир уруғларининг нон-булка маҳсулотлари сифатига таъсирини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кунлик истеъмол қилинувчи нон маҳсулотларини модификациялаш, физиологик фаол қўшимчалар билан бойитилган, витаминли нон маҳсулотлари рецептларини яратиш, озуқавийлик хавфсизлиги, биологик қийматини ошириш, «Gluten-Free» нон маҳсулотлари олиш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда маҳсус нон ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «озиқ-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида озиқ-овқат хомашёси базасини кенгайтириш ва органик маҳсулотлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кенгайтириш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бориш, Республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши доирасида, хорижий мутахассисларни жалб этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, таркиби хилма-хил, функционал қўшимчалар билан бойитилган маҳаллий хомашё асосида глютенсиз нон ишлаб чиқариш технологияларини мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сонли «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалик, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мувозанатли ва адекват овқатланишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш, нон ва нон маҳсулотларининг озукавий қиймати ва функционал хусусиятларини ошириш бўйича В.И. Покровский, В.А. Тутелян, В.Н. Красилников, В.И. Дробот, Т.В. Матвеева, С.Я. Корячкина, Л.И. Кузнецов, Н.В. Лабутина, F. Harrison, T. Lawlis, P. Lucas, E. Patterson, L. Taillie, S. Rai, C.S. Chopra, Г.З. Джаҳангирова, И.Б. Исабоев, Т.И. Атамуратова, Л.Н. Хайдар-Заде ва бошқа хорижий ва маҳаллий олимлар шуғулланишган.

Улар томонидан генетик жиҳатдан ўзгартирилган ва ноанъанавий хомашёлардан фойдаланилган, физиологик фаол кўшимчалар билан бойитилган нон олинган, витаминли нон маҳсулотлари рецептлари яратилган, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, оқ жўхори уни ва буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари билан бирга жавдар ва жайдари буғдой уни асосида нон маҳсулотлари рецептураларини яратиш, глютенсиз нон ишлаб чиқариш технологияларини мақбуллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АМ-ФЗ-2019081448 «Маҳаллий хомашё асосида глютенсиз нон-булка маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан рационал фойдаланиш» (2020-2023 йй.) мавзусидаги давлат амалий лойиҳаси.

Тадқиқотнинг мақсади бошоқли донларнинг глютенини ҳазм қила олмайдиган инсонларнинг профилактик ва даволовчи-парҳезбоп овқатланиши учун маҳаллий глютенсиз хомашёлардан нон ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нон ишлаб чиқариш учун глютенсиз ўсимлик хомашёларини танлаш, таркиб, тузилишини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

мақсадли нон ишлаб чиқаришнинг асосий рецептура таркиби сифатида глютенсиз ўсимлик хомашёларини танлашни асослаш ва унинг кимёвий таркибини, асосий функционал-технологик хусусиятларини ўрганиш;

кўшимчалар ва уларнинг композит аралашмаларининг технологик жараёни боришига ва тайёр маҳсулотнинг истеъмол қийматига таъсирини тадқиқ қилиш;

глютенсиз ва таркибида глютен миқдори кам бўлган янги нон турлари

учун технологик ечим ва рецептлар ишлаб чиқиш, озуқавий қийматини баҳолаш;

мақсадли ноннинг таклиф этилаётган турлари бўйича технологик йўриқномалар ишлаб чиқиш, новвойлик корхоналарида тажриба-саноат апробацияларини ўтказиш ва технологик ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий шароитда етиштирилган оқ жўхори, гуруч ва нўхат унлари, буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари, нон ва нон маҳсулотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида озуқавий қиймати юқори бўлган глютенсиз ва таркибида глютен миқдори кам бўлган нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва уларнинг кечиш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот хомашё, яримфабрикат ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган ва махсус органолептик, физик-кимёвий, реологик, микробиологик ва биокимёвий, корреляцион - регрессион таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оқ жўхори уни ва буғдой муртаги, мойли зиғир уруғларининг кимёвий таркиби ва энергия қиймати аниқланиб, углеводлар миқдори I-навли буғдой унидагига нисбатан 8,1 % кўпроқ эканлиги исботланган;

оқ жўхори уни ва буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари билан бирга жавдар ва буғдойнинг кепакли уни глютенсиз ва глютени кам нон маҳсулотларини муҳим озик моддалар билан бойитиши исботланди;

ўз-ўзидан бижғиган гуручли ачитқи, фаоллаштирилган хамиртуруш асосида глютенсиз нон таёрланиб, буғдой муртаги ва мойли зиғир уруғлари маҳсулотнинг кимёвий таркибини бойитиши аниқланган;

прессланган хамиртурушини фаоллаштириш учун субстрат - озуқавий аралашма сифатида қўнғир-қизил рангли майда (сечка) гуруч уни, ачитқининг биринчи озиклантирилишидан патоген микрофлоранинг фаол бижғиши аниқланди;

нўхат, жўхори ва гуруч унларининг глютенини ҳазм қила олмайдиган инсонларнинг профилактик ва даволовчи-парҳезбоп овқатланиши учун маҳаллий глютенсиз хомашёлардан нон ишлаб чиқариш технологияси яратилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нон ва нон маҳсулотларининг бойитилган махсус - глютенсиз ва таркибида кам глютенли нон маҳсулотлари рецептуралари ишлаб чиқилган;

бошоқли донларнинг глютенини ҳазм қила олмайдиган инсонларнинг профилактик ва даволовчи-парҳезбоп овқатланиши учун маҳаллий глютенсиз хомашёлардан нон ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маҳаллий шароитда етиштирилган оқ жўхори, гуруч ва нўхат унлари, буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари, нон ва ўзбек обинонлари ишлаб чиқариш технологиясининг

апробациядан ўтказиш натижаларига кўра назарий ва тажриба маълумотларининг мослиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори озуқавий ва биологик қийматли ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда оқ жўхори, гуруч ва нўхат унлари, буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари қайта ишланган маҳсулотларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асослангани ва тажрибалар билан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулот чиқишини ошириш, унинг таннархини пасайтириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берувчи оқсил ва бошқа биологик фаол нутриентлар билан бойитилган глютенсиз нон турларининг кенгайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Маҳаллий ўсимлик хомашёслари асосида озуқавий қиймати юқори бўлган глютенсиз ва таркибида глютен миқдори кам бўлган нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

оқ жўхори, гуруч ва нўхат унлари композит аралашмаси асосида глютенсиз нон ишлаб чиқариш технологияси «Barkamol non savdo» МЧЖда жорий этилган («ТОШКЕНТ НОН» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг 2023 йил 9 январдаги 06-1/4-сон маълумотномаси). Натижада хамирнинг намлигини мақсадли ошириб, озиқавий моддалар билан бойитилган глютенсиз «Оби-Дармон» нон ишлаб чиқариш имконини берган;

оқ жўхори уни ва буғдой муртаги асосида нони ишлаб чиқариш технологияси «Qadr Don Non Savdo» МЧЖда жорий этилган («ТОШКЕНТ НОН» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг 2023 йил 9 январдаги 06-1/4-сон маълумотномаси). Натижада технологик жараённинг давомийлигини 0,5 соатга қисқартириш, нон ишлаб чиқаришни 0,5 % га ошириш имконини берган;

мойли зиғир уруғлари асосида «Mador» жавдар-буғдой оддий нони ишлаб чиқариш технологияси «AzRuxDilSavdo» МЧЖда жорий этилган («ТОШКЕНТ НОН» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг 2023 йил 9 январдаги 06-1/4-сон маълумотномаси). Натижада жайдари буғдой уни сарфини 10,0% га қисқартириш, маҳсулот чиқишини 1,0 % га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг тузилиши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бет, 50 жадвал, 14 расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг давлат дастурлари ва устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, олинган ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Юқори озуқавий қийматли глютенсиз нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида одамларнинг бошоқли донлар глютенини хазм қила олмаслик натижасида келиб чиқувчи овқатланишга боғлиқ касалликлари таҳлили ўтказилган. Глютенсиз ўсимлик хомашёларининг асосий турлари ва уларни мақсадли нон ишлаб чиқаришда қўллаш истиқболлари тавсифланган. Глютенсиз ун ва ун аралашмалари асосида нон ишлаб чиқаришнинг замонавий рецептуралари ва инновацион технологиялари ёритилган. Технологик хатарларни таҳлил қилиш натижалари ва глютенсиз нон ишлаб чиқаришнинг асосий муаммолари, шунингдек уларни ҳал қилиш йўллари келтирилган.

Аниқланишича, тадқиқотчиларнинг глютенсиз ўсимлик хомашёсидан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этишга қўшган катта ҳиссасига қарамай, ушбу маҳсулотларнинг ассортименти минтақавий бозорда етарлича кенг тақдим этилмаган. Бу эса илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва маҳаллий ўсимлик хомашёлари ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотлари асосида глютенсиз нон ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг истиқболли эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Диссертациянинг **«Хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар хусусиятлари, тажриба техникаси ва таҳлил қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ва усуллари тавсифланган. Ишда ўрганилаётган хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларнинг хоссаларини органолептик ва физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланилган. Маҳаллий глютенсиз хомашёлар асосида ушбу маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш учун прототип сифатида қабул қилинган нон тайёрлашнинг рецептуралари ва усуллари баён этилган. Тадқиқотнинг структуравий-технологик схемаси келтирилган (1-расм).

Диссертациянинг **«Нон ишлаб чиқаришда глютенсиз ўсимлик хомашёсидан қўллашни назарий ва экспериментал асослаш»** деб номланган учинчи бобида нон ишлаб чиқаришда маҳаллий глютенсиз ўсимлик хомашёларидан фойдаланишнинг потенциал имкониятлари таҳлил қилинган. Оқ жўхори, гуруч ва нўхат донларидан (уруғидан) олинган унларнинг, шунингдек буғдой муртаги ва мойли зиғир уруғининг кимёвий таркибини ўрганиш натижалари келтирилган. Ун маҳсулотлари рецептурасида уннинг

микдорини тўлиқ ёки қисман алмаштириш имкониятини аниқлаш учун ушбу хомашёларнинг таркиби билан навли буғдой унини кимёвий таркиби ва сифат кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилган.



1-расм. Тадқиқотнинг структуравий - технологик схемаси

Ўрганилаётган глютенсиз хомашёдан олинган уннинг озуқавий қиймати ва хавфсизлигини навли буғдой уни билан қиёсий таҳлил қилиш. Тадқиқот

объектлари: оқ жўхори, гуруч ва нўхат унлари. Таққослаш (назорат) объекти олий ва I-навли нон буғдой уни ҳисобланади. Хомашёнинг кимёвий таркибини таҳлил қилишнинг объективлиги учун куруқ моддага (ҚМ) нисбатан қайта ҳисоблаш амалга оширилди.

Аниқланишича, ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда навли буғдой унининг ўрнини потенциал босувчилар органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича сезиларли фарқларга эга эмас, асосий фарқ глютенни (клейковинани) йўқлигидадир. Бу омил глютенсиз ун маҳсулотлари учун янги рецептуралар ишлаб чиқишда ушбу хомашёларни танлашда асос ҳисобланади.

Ўрганилаётган хомашёнинг кимёвий таркиби ва энергия қийматини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЖУ олий навли буғдой унига энг яқин ва асосий озукавий моддалар таркиби бўйича I-навли буғдой унидан бирмунча паст ҳисобланади, фақатгина углеводлар миқдори бундан мустасно бўлиб, у ЖУ да буғдой унидагига нисбатан 8,1 % кўпроқдир. Тадқиқотда бу ун нон рецептураларидаги навли буғдой унининг доминант (асосий) ўрнини босувчиси сифатида ишлатилган. ЖУ дан ва мос равишда навли буғдой унидан ГУ ва НУ сезиларли даражада фарқ қилади. Бинобарин, ГУда I-нав буғдой уни ва ЖУга қараганда оксил миқдори мос равишда 1,9 ва 1,6 баравар камдир (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрганилаётган ун турларининг кимёвий таркиби ва энергетик қиймати

| Моддалар номи | Модданинг миқдори, г /100 г куруқ моддада | | | | |
|---|---|-------------|--------------|---------------|-------------|
| | Буғдой уни (назорат) | | Ун (тажриба) | | |
| | олий нав | I-нав | оқ жўхори | гуруч | нўхат |
| Оксил, г | 12.56 | 12.91 | 10.83 | 6.82 | 24.87 |
| Ёғлар, г | 1.51 | 1.74 | 1.41 | 1.59 | 7.46 |
| Углеводлар, г | 81.28 | 78,84 | 85.23 | 88.30 | 64.33 |
| Клетчатка, г | 4.07 | 5.70 | 2.00 | 2.73 | - |
| Кул, г | 0,58 | 0,81 | 0,53 | 0,56 | 3.34 |
| Оқсиллар, ёғлар ва углеводлар нисбати (ўрта. опт. 1.0:1.0:4.0) | 1,0:0,1:6,5 | 1,0:0,1:6,1 | 1,0:0,1:7,9 | 1,0:0,2:1 2,9 | 1,0:0,3:2,6 |
| Минералл моддалар, мг: | | | | | |
| кальций (Ca) | 20.93 | 28.00 | 6.82 | 11.36 | 50.16 |
| магний (Mg) | 18.60 | 51.16 | 35.23 | 39,77 | 185.02 |
| фосфор (P) | 100.00 | 133,72 | 98,86 | 111.36 | 354.43 |
| темир (Fe) | 1.40 | 2.44 | 1.10 | 0,40 | 5.46 |
| Калорияси, ккал | 334 | 360 | 357 | 366 | 387 |

Таъкидлаш жоизки, оқсиллар: ёғлар: углеводлар нисбати бўйича, бу турдаги ун энг мувозанатлашмаган таркибга эга, яъни 1,0: 0,2: 12,9, бу моддаларнинг оптимал нисбати 1,0: 1,0; 4,0. Бу омил ёғларнинг масса улушини камайтириш ва маҳсулотдаги углеводлар миқдорини ошириш учун ГУни бошқа турдаги ун ёки озиқ-овқат қўшимчалари билан композитсион аралашманинг бир қисми сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Ўрганилаётган хомашёларнинг витамин таркибини ўрганиш натижалари шуни

кўрсатдики, НУ етакчи ўринда, кейин камайиш тартибида ЖУ, I-навли буғдой уни, ГУ ва олий навли буғдой уни туради.

СУҚ нинг энг юқори қиймати НУда (82,0%) аниқланди, бу таққослаш намуналари ЖУ ва ГУ даги ўхшаш қийматлардан мос равишда 20,2, 17,3 ва 4,0% (абс.) га ошди. Ушбу кўрсаткич бўйича ЖУ I-навли буғдой унига энг яқин бўлди. ЁУҚ нинг максимал қийматлари НУ (96,0%) ва ЖУ (91,5%) да аниқланди, ЖУда бу кўрсаткич қиёсий намунадан 3,2% (абс.) га кам бўлди.

Глютенсиз унлар таркибидаги оқсилларнинг биологик қийматини ўрганиш. Биологик қиймати бўйича ЖУ биринчи ўринда, кейин камайиш тартибида ГУ ва НУ туриши аниқланди. Бунда лизиннинг $A_{мин}$ коэффиценти ЖУ ва НУ га караганда ГУда юқоридир (2-жадвал).

Ўрганилаётган хомашёнинг оқсил улушининг биологик қийматини белгиловчи асосий кўрсаткичлар рейтинги шуни кўрсатдики, 2-жадвалда келтирилган асосий кўрсаткичлар йиғиндисига кўра НУ энг юқори қийматга эга (9 балл) ҳамда натижа рейтинги да ЖУ ва ГУ деярли бир хил миқдордаги балл олишди (12 ва 13 балл).

2-жадвал

Ўрганилаётган глютенсиз ун турларининг оқсил кўрсаткичи бўйича рейтинг матрицаси

| Оқсил компоненти кўрсаткичлари | Кўрсаткич қиймати /даража, балл | | |
|---|---------------------------------|-----------------|--------------------------------|
| | ЖУ | ГУ | НУ |
| Оқсилнинг масса улуши, % | 9,53/2 | 6.00/3 | 22.31/1 |
| Аминокислоталарнинг умумий миқдори, мг/100 г маҳсулотда | 8273.92 | 5960.00 | 20905.60 |
| Маҳсулотдаги АМА миқдори, г/100 г оқсилда | 36,3 / 3 | 42,3 / 2 | 45,9 / 1 |
| АКС (лизин бўйича), % | 58/3 | 64/2 | 125/1 |
| БСАА, г / 100 г маҳсулотда | 1.714 / 2 | 1.259 / 3 | 3.824 / 1 |
| Аминокислоталар таркибининг мувозанатсизлик коэффиценти (АТМК), % | 44.6 | 46.4 | 48.9 |
| Оқсилнинг биологик қиймати, % | 55,4 / 1 | 53,6 / 2 | 51,1 / 3 |
| Аминокислотанинг фойдалилик коэффиценти ($A_{мин}$) | 0,19 (лизин) | 0,30 (лизин) | 0,13 (метионин + цистин) |
| Лизин: треонин: метионин нисбати (опт. 1,0:1,0:1,0) | 1,0:0,9:0,9/1 | 1,0:1,0:1,2/1 | 1,0:0,5:0,3/2 |
| Даража, миқдор, балл / ўрин | 12 | 13 | 9 |

Нонни витаминлар ва муҳим ёғ кислоталари билан янада бойитиш мақсадида рецептурага буғдой муртаги ва зиғир уруғининг мойли навларни киритиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

БМ ни танлаш учун буғдойнинг (*Triticum vulgare*, *Triticum durum*) юқори қийматли оқсиллар, муҳим ёғ кислоталари, токофероллар, провитамин А, минералларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Ишда зиғир уруғларининг мойли «Бахмалский-2» (лот. *Linum*

usitatissimum L.) нави ишлатилган. ЗУ ГОСТ 10582 - 76 «Мойли зиғир уруғлари. Саноат хомашёси. Техник шартлар» талабларига мувофиқ бўлиши керак. Мойли зиғир уруғларини танлашда улардаги аминокислоталарнинг таркиби жихатидан тўлиқ бўлган оксиллар, ω-3, ω-6 ва ω-9 оилаларига мансуб яримтўйинмаган ёғ кислоталари, озиқ-овқат толаси, витаминлар, лигнанлар, шилликлар, линамарин гликозидлари мавжудлиги асос бўлди.

Ушбу кўрсаткичларга кўра, ўрганилаётган хомашё намуналари ТУ 9295-010-00932732-08 ва ГОСТ 10582 - 76 талабларига жавоб бериши аниқланди.

Ўрганилаётган хомашёнинг кимёвий таркиби ва энергетик қийматини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, БМ да углеводлар (ўртача 43,2%) ва оксиллар (25,8%), ЗУ да эса - ёғлар (40,47%) ва озиқавий толалар (27,7%) устунлик қилади (3-жадвал).

Ўрганилаётган маҳсулотларнинг кимёвий таркибини ЖУ билан қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, БМ ва ЗУ даги оксил фракциясининг масса улуши 17,87 ва 10,21 га, ёғлар - 9,91 ва 42,20 га, тола - 4,44 ва 27,85 г/100 г ҚМ бўйича солиштириш намунасига қараганда кўпроқ. Шу билан бирга, БМ ва ЗУда ЖУ га қараганда мос равишда 37,13 ва 83,61 г/100 г ҚМ бўйича камроқ углеводлар мавжуд.

3-жадвал

БМ ва ЗУ нинг кимёвий таркиби ва энергетик қиймати

| Моддалар номи | Модданинг миқдори, г / 100 г маҳсулотда / г / 100 г ҚМ | | | | |
|-----------------------|--|-------------|-------------|--------------------|--------|
| | маҳсулот | | ФМЎҚ | ХЎҚ, ФМЎҚ дан % да | |
| | БМ | ЗУ | | БМ | ЗУ |
| Оксиллар (О) | 25.80/28.70 | 19.53/21.04 | 76.00 | 33.95 | 25.70 |
| Ёғлар (Ё) | 10.10/11.32 | 40,47/43,61 | 56.00 | 18.03 | 72.27 |
| Углеводлар (У) | 43.20/48.10 | 1,50/1,62 | 219.00 | 19.73 | 0,68 |
| Целлюлоза | 5,80/6,44 | 27,70/29,85 | 20.00 | 29.00 | 138.50 |
| Кул | 4,90/5,44 | 3,60/3,88 | - | - | - |
| О:Ё:У | 1,0:0,4:1,7 | 1,0:2,1:0,1 | 1,0:1,0:4,0 | - | - |
| Калория таркиби, ккал | 356 | 534 | 1684 | 21.14 | 31.71 |

Маҳаллий глютенсиз ўсимлик хомашёларининг озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш. Текширилаётган ГЎХ Ўзбекистон Республикасининг СанПиН 0366-19-сонли хавфсизлик мезонларига, O'z DSt ISO 6635:2013 ва ТР ТС 021/2011 тавсияларига жавоб бериши аниқланган.


Диссертациянинг «Маҳаллий глютенсиз ўсимлик хомашёларидан фойдаланган ҳолда мақсадли нон тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий глютенсиз ўсимлик хомашёларидан (оқ жўхори, гуруч, нўхат, буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари) қайта ишлаб олинган маҳсулотларни мақсадли ноннинг сифати ва озуқавий қийматига таъсирини ўрганиш натижалари ва улардан фойдаланиш усуллари келтирилган. Ўрганилаётган хомашёнинг турли дозалари ва композит аралашмаларини хамир тайёрлашнинг турли усулларига ва технологик жараённинг боришига, тайёр маҳсулот сифати ва озуқавий қийматига

таъсирининг тажрибавий маълумотлари ва назарий асослари келтирилган. Глютенсиз ва кам миқдордаги глютенли нон маҳсулотларининг янги турлари бўйича рецептлар ва уларни тайёрлашнинг технологик параметрлари ишлаб чиқилди. Ушбу маҳсулотларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш амалга оширилди.

Маҳаллий ўсимлик хомашёларидан глютенсиз нон тайёрлаш рецепти ва технологиясини ишлаб чиқиш. Ушбу бўлимда биз глютенсиз ун турларидан нон тайёрлаш усулини нон сифати ва озуқавий қийматига таъсирини ўргандик.

Солиштириш намунаси (назорат) сифатида ЖУ, ГУ ва НУ ун аралашмаларидан мос равишда 30,0, 30,0 ва 40,0 % нисбатда олинган нон тайёрлаш рецептидан ҳамда прессланган хамиртуруши асосида опарасиз хамир тайёрлаш усулидан фойдаландик. Тажрибавий нон намуналари худди назоратдаги каби нисбатда олинган ҳар хил турдаги глютенсиз ун намуналари билан, фақат ўз-ўзидан бижғиган ачитки (1-вариант) билан ҳамда олдиндан фаоллаштирилган хамиртуруш (2-вариант) ёрдамида тайёрланган.

Ўрганилаётган глютенсиз ун турлари хамирнинг хоссаларга ва тайёр маҳсулот сифатига маълум даражада таъсир кўрсатиши аниқланди.



2-расм. Бижғиш даврида гуруч ачитқисининг умумий кислоталигини ўзгариш динамикаси

Прессланган хамиртурушини фаоллаштириш учун субстрат (озуқавий аралашма) сифатида қўнғир-қизил рангли майда (сечка) гуручнинг уни ишлатилган. Олинган унга 1,0 : 1,0 нисбатда 80±20 °С ҳароратли иссиқ сув қуйилади, юзасига ун сепилади, кейин 24...25 °С ҳароратда 48 соат давомида сақланади. Озуқа аралашмаси 1: 1 нисбатда. Ачитқида биринчи озиклантириш пайтида ўзининг патоген микрофлорасининг фаол бижғиши кузатилди, бу эса ачитқилар фаоллигини бостирди. Ушбу босқичда ачитқининг ёқимсиз ҳиди пайдо бўлди, у ҳар бир кейинги янгиланиш билан деярли йўқола бошлади, натижада тайёр бўлган ачитки сутли-гуруч бўтқасига хос ёқимли ҳидга эга бўлди.

Ачитқининг умумий кислоталиги ва микробиотасининг ўзгаришини

аралашмани тайёрлашдан кейин 4 соатдан бошлаб ва кейин 4 кун давомида ҳар 24 соатда аниқланди (2-расм). Аралашмалар 29 ± 1 °C ҳароратда сақланди.

Бижғиш даврида гуруч ачитқисининг умумий кислоталигини ўзгариш динамикаси логарифмик боғлиқликка эга бўлиб, куйидаги тенглама билан тавсифланади: $y = 9,785 \ln(x) + 1,825$, унинг адекватлиги тахминий ишончлилик қиймати $R^2 = 0,994$ билан тасдиқланади Бижғиш даврида гуруч ачитқисининг умумий кислоталиги ўртача 14,7 даражага ошди ва буғдой ачитқилари учун тавсия этилган 16,0 ... 18,0 даражага етди. 84 соатлик бижғишдан сўнг микробларнинг умумий сони деярли 111 барабар кўпайди, бу эса ушбу озуқавий муҳитдан ачитқи тайёрлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Биз прессланган хамиртуруши *Saccharomyces cerevisiae* штамм Л-3 ни фаоллаштириш жараёнида озуқавий муҳит олиш учун асос сифатида майдаланган кўнғир-қизил рангли гуруч экстрактидан (МҚҒЕ) фойдаланиш имкониятини ўргандик. Солиштириш намунаси (назорат) сифатида фаоллаштирилмаган прессланган хамиртуруши олинди.

МҚҒЕ ва сувнинг турли нисбатлари ўрганилди - 1: 4, 1: 6, 1: 9, энг яхши натижалар 1: 4 нисбатда олинди. Шакар ҳосил бўлишининг максимал даражасига МҚҒЕ ни 50, 55 ва 63 °C даража ҳароратгача кетма-кет иситиш ҳамда ҳар бир ҳароратда 30 дақиқа давомида ушлаб туриш орқали эришилди. Танланган ҳарорат режими 10,0% дан юқори редуцияловчи моддаларнинг максимал миқдорини олиш имконини беради (4-жадвал).

4-жадвал

Прессланган хамиртурушнинг назорат ва тажриба намуналарининг сифат кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар номи | Хамиртуруш сифати кўрсаткичларининг аҳамияти | |
|---|--|---------------------------|
| | бошланғич (прототип) | фаоллаштирилган (тажриба) |
| Кўтариш кучи, дақиқа | 15 | 10 |
| Кўтариш кучининг яхшиланиш даражаси, % | - | 33.3 |
| Ферментатив фаоллик, дақиқа: | | |
| - зимазали | 48 | 37 |
| - малтазали | 92 | 78 |
| Фаолликни ўсиш даражаси, %: | | |
| - зимазли | - | 22.9 |
| - малтазли | - | 15.2 |
| Хамиртурушни фаоллаштириш вақти, дақиқа | - | 30...40 |

Аниқланишича, зимаза ва малтаза фаоллиги каби сифат кўрсаткичлари бўйича назорат вариантнинг хамиртурушлари «қониқарли», тажриба варианты - «яхши» сифат билан тавсифланган, бу уларнинг рецептдаги миқдорини 10,0 ... 20,0% га камайтиришга имкон беради.

ЖУ, ГУ ва НУ аралашмасидан мос равишда 30,0, 30,0 ва 40,0 нисбатда (%) ГОСТ 27669-88 бўйича опарасиз усулда хамир тайёрланган. Тадқиқот объектлари ЖУ, ГУ ва НУ аралашмасидан тайёрланган хамир ва нон бўлиб,

олдиндан ишлов берилмаган прессланган хамиртурушдан тайёрланган (назорат), ўз-ўзидан бижғиган гуруч ачитқисидан тайёрланган (1-вариант) ва олдиндан фаоллаштирилган хамиртурушдан (2-вариант) тайёрланган намуналар ўрганилди. Ўрганилаётган кўшимчалар ноннинг сифат кўрсаткичларига маълум даражада таъсир кўрсатиши аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Хамир тайёрлаш усуллари нон сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсири

| Кўрсаткичлар номи | Нон сифати кўрсаткичларининг қиймати | | |
|--|--------------------------------------|-----------|-----------|
| | Назорат | Тажриба | |
| | | 1-вариант | 2-вариант |
| Намлик, % | 44,0±0,5 | 44,2±0,3 | 44,3±0,5 |
| Кислоталик, дўл | 3,0±0,2 | 3,5±0,1 | 3,2±0,1 |
| Ғоваклик, % | 54,0±1,0 | 65,7±1,3 | 67,2±1,1 |
| Ҳажмий сиғим, см ³ /100 г нон | 126,4±1,5 | 269,8±1,2 | 272,5±1,5 |

6-жадвал

Ўз-ўзидан бижғиган гуруч ачитқиси ёрдамида глютенсиз ун аралашмасидан таёрланган «Оби-Дармон» ноннинг умумлашган рецепти

| Хом ашёлар номи | Хом ашёлар сарфи, кг |
|---|--|
| Жўхори уни | 24.0 |
| гуруч уни | 24.0 |
| нўхат уни | 32.0 |
| Ачитқи: - жигарранг гуруч уни - сув | 67,0 20.0 Ҳисоб-китоб бўйича, ачитқининг намлигидан келиб чиқиб 65,0 ... 67,0% |
| Новвойлик прессланган хамиртуруши | 1.0 |
| Ёдланган ошпазлик тузи | 1.2 |
| Шакар | 1.0 |
| Жами хомашё: | 103.2 |
| Сув | Ҳисоб-китоб бўйича, хамирнинг намлигидан келиб чиқиб |
| Намлик, %, кўп эмас | W нон (+0,5-1,0) |
| Дастлабки ҳарорат, °С | 29...31 |
| Якуний кислоталилик, град, кўп эмас | 3,0...3,5 |
| Етилиш давомийлиги, дақиқа | 150...180 |
| Чиқиши, % | 134.5 |

Пишириш маълумотлари шуни кўрсатдики, 1-вариантдаги нон намуналари этарлича ривожланган ғоваклик тузилиши, қобикнинг қизғин ранги, ёқимли таъми ва одатдагидан узоқроқ давом этган ёнғоқ ҳиди билан ажралиб туради ва «аъло» маҳсулотлар сифатида тавсифланади. 2-вариантдаги маҳсулотлар органолептик кўрсаткичлари бўйича улардан бироз пастроқ бўлиб, улар «яхши» сифатли маҳсулотлар сифатида тавсифланган.

Шундай қилиб, 30:30:40 нисбатда жўхори уни, гуруч ва нўхат унлари

аралашмасидан тайёрланган мақсадли нонни ачитқида тайёрлаш энг мақбул эканлиги аниқланди. Олинган экспериментал маълумотлар асосида ушбу турдаги маҳсулотни саноатда ишлаб чиқариш учун мос келадиган ягона ретсепт ишлаб чиқилди.


Ҳар хил турдаги глютенсиз ун аралашмасидан тажрибавий ва назорат маҳсулотларининг кимёвий таркибини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, экспериментал вариантлардаги асосий озикавий моддаларнинг масса улуши назорат вариантыдаги ҳудди шу моддаларнинг масса улушидан ошиб кетган: оқсиллар - 7,3% га, ёғлар - 2,3 марта, углеводлар - 5,0% га, темир - 58,3%, магний - 4,0 марта, фосфор - 1,4 марта, витаминлар В₁ - 1,4 марта, В₂ - 3,4 марта, РР - 4,9 марта. Шу билан бирга, синов намуналарида каротеноидлар ва В₆ витамини мавжуд эди. Таъкидлаш жоизки, ноннинг тажриба намуналарида озикавий тола миқдори деярли 5,0 % га, калций эса назоратга қараганда 1,2 баравар кам эди. Тажрибавий ноннинг энергия қиймати 3,3% га ошди. Шунга кўра, ноннинг назорат ва экспериментал намуналарида инсоннинг асосий озикавий моддаларга бўлган кунлик физиологик эҳтиёжини қоплаш даражаси ҳам ўзгарган.

Оқ жўхори унидан ва бугдой муртаги маҳсулотидан глютенсиз нон тайёрлаш технологияси ва рецептларини ишлаб чиқиш. ЖУ ва турли нисбатда олинган ЖУ ва БМ композит аралашмаларининг хамир хоссаларига, технологик жараённинг боришига, ноннинг сифати ва озикавий қийматига таъсири ўрганилди.

7-жадвал

Жўхори уни ва бугдой муртагидан композит аралашмаларининг кимёвий таркиби ва энергия қиймати

| Моддалар номи | Модданинг миқдори г / 100 маҳсулотда ЖУ: БМ нинг қуйидаги нисбатларида | | |
|---|---|-----------------|-----------------|
| | 95:5 | 90:10 | 85:15 |
| Оқсиллар, г | 10.35 | 11.16 | 12.00 |
| Ёғлар, г | 1.69 | 2.13 | 2.57 |
| Углеводлар, г | 73.41 | 71.82 | 70.23 |
| Клетчатка, г | 2.10 | 2.29 | 2.48 |
| Кул, г | 0,69 | 0,91 | 1.13 |
| Оқсиллар, ёғлар ва углеводлар нисбати (1,0:1,0:4,0) | 1,0 : 0,2 : 7,1 | 1,0 : 0,2 : 6,4 | 1,0 : 0,2 : 5,8 |
| Минераллар, мг: | | | |
| кальций (Ca) | 7.00 | 8.10 | 9.10 |
| магний (Mg) | 31.00 | 31.10 | 31.22 |
| фосфор (P) | 89.05 | 91.10 | 93.20 |
| темир (Fe) | 1.36 | 1.75 | 2.14 |
| Калорияси, ккал | 347,7 | 348.3 | 349,0 |



Намунавий нон пишириш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ЖУ дан тайёрланган маҳсулотлар «қониқарсиз», ЖУ ва БМ аралашмасидан тайёрланган маҳсулотлар - «яхши» сифатга эга бўлган маҳсулотлар сифатида тавсифланади. Натижада «Тонг» нонининг саноат рецепти ва технологик

регламенти ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Синов намуналарида ЖУ уннинг умумий миқдорини 10,0% ни БМ билан алмаштирилиш табиий равишда оқсиллар, ёғлар ва озуқавий толаларининг масса улушининг мос равишда 17,1, 72,4 ва 20,6% га ошишига; темир, калций ва фосфорни - 1,8, 1,4 ва 1,1 марта ошишига; витаминлар - 1,1 дан 1,3 мартагача ошишига олиб келди. Шу билан бирга, синов намуналарида углеводларнинг масса улуши 4,2% га камайди, калория миқдори 250 г нон учун 2,5 ккалга камайди. Оқсиллар, ёғлар ва углеводларнинг нисбати яхшиланди.

Мойли зиғир уруғлари билан бойитилган глютен миқдори кам бўлган нон учун рецепт ишлаб чиқиш. Кепакли жавдар уни (*қисқартирилган КЖУ*), кепакли буғдой уни (*КБУ*) композит аралашмаларини ва мойли зиғир уруғларини (*ЗУ*) оддий жавдар нонининг хамир хусусийатларига, сифати ва озуқавий қийматига таъсири ўрганилди .

8 -жадвал

Жавдар ва буғдойнинг жайдари унлари ва мойли зиғир уруғи аралашмасидан тайёрланган «Мадор» нонининг кимёвий таркиби

| Озиқавий моддалар | Қуйидаги унлардан тайёрланган 250 г нондаги масса улушлар | |
|--|---|---------------|
| | Назорат | Тажриба |
| Оқсиллар, г | 17.57 | 20.10 |
| Ёғлар, г | 2.62 | 8.72 |
| Углеводлар, г | 100.36 | 91.40 |
| Озиқавий толалар, г | 13.00 | 18.06 |
| Оқсиллар, ёғлар ва углеводлар нисбати (1,0:1,0:4,0) | 1,0: 0,15: 5,7 | 1,0: 0,4: 4,5 |
| Минерал моддалар, мг: | | |
| - темир | 6.86 | 7.65 |
| - калций | 65.41 | 105.07 |
| - магний | 130.51 | 220.00 |
| - фосфор | 455.04 | 525.20 |
| Витаминлар, мг: | | |
| - тиамин (В ₁) | 0,79 | 0,90 |
| - рибофлавин (В ₂) | 0,24 | 0,25 |
| - пиридоксин (В ₆) | 0,55 | 0,59 |
| - ниацин (РР) | 8.37 | 8.10 |
| Энергетик қиймат, ккал | 491,0 | 519.5 |

Солиштириш намунаси (назорат) сифатида оддий жавдар-буғдой нонининг рецепти олинди, синов намуналари сифатида КЖУ:КБУ:ЗУ 60:30:10 нисбатида (%) олинган қуюқ ачиткида тайёрланган нонлар олинди. ЗУ лари 1:3 нисбатда олинган сув билан 4-6 соат давомида олдиндан ивителиди ва хамирга бутунлигича (майдаланмасдан) қўшилади.

Тажрибавий вариантдаги нон асосий сифат кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 31807-2018 талабларига жавоб бериши аниқланди, бу эса ушбу маҳсулотларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришининг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. ЗУ дан фойдаланиш оқсилларнинг масса улушини 14,4% га, ёғлар ва озуқавий толаларни - 3,3 ва 1,4 барабар, темир - 11,5% га, калций, магний ва фосфорни -

1,6, 1,7 ва 1,2 мартага, В гуруҳи витаминлари - 4,2 дан 14,0% гача мунтазам ўсишига олиб келди.

Нон ишлаб чиқаришда ўрганилаётган хомашёлардан фойдаланиш самараси, ишлаб чиқариш харажатларининг асосан хом ашё учун камайиши ва тайёр маҳсулот чиқишининг ошиши билан боғлиқ. Демак, ЖУ, ГУ ва НУ аралашмасидан иборат вариантда маҳсулотнинг сотилиш баҳоси 558,25 сўмга, ЖУ ва БМ дан тайёрланган «Тонг» нони 143,94 сўмга пасайган, маҳсулот рентабеллиги мос равишда 5,0 ва 4,0 фоизга ошган, бу эса ўрганилаётган хомашё ва қўшимчалардан нон ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

Маҳаллий глютенсиз ўсимлик хомашёларидан фойдаланган ҳолда махсус нон турларини яратишга қаратилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар мажмуаси бажарилиб, қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Глютенсиз ва ушбу оқсил фракцияси камайтирилган миқдордаги нон ишлаб чиқариш учун маҳаллий ўсимлик хомашёларини танлаш илмий асосланди.

2. Глютенсиз ўсимлик хомашёлари (оқ жўхори, гуруч ва нўхат унлари), шунингдек бойитувчи-қўшимчалар (буғдой муртаги, мойли зиғир уруғлари) сифатининг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари, уларнинг озуқавий ва биологик қиймати ҳамда санитар-гигиеник ҳолати ва микробиологик кўрсаткичлари келтирилган.

3. ЖУ, ГУ ва НУ дан ўз-ўзидан бижғиган гуруч ачитқиси асосида нон ишлаб чиқариш учун технологик ечимлар ишлаб чиқилган. Ушбу аралашмани мос равишда 30:30:40 нисбатда қўллаш хамирнинг етилиш муддатини 60 дақиқагача қисқартириши, тайёр маҳсулот чиқишини ўртача 1,5 фоизга ошириши, унинг органолептик ва физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари яхшилаши аниқланди.

4. ЖУ ва БМ дан 90:10 нисбатда опарасиз усулида нон ишлаб чиқариш бўйича технологик ечимлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар хамирнинг етилиш муддатини 30 дақиқагача қисқартиради, тайёр маҳсулот чиқишини ўртача 0,5% га оширади, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар нисбатини яхшиланишига 1,0:0,2:6,4 назоратдаги қиймат 1,0:0,1:7,9 бўлганда олиб келади.

5. 10,0% ЗУ қўшилган қуюқ ачитқида тайёрланган оддий жавдар-буғдой нонини ишлаб чиқаришнинг технологик ечимлари ишлаб чиқилган. Бу ноннинг глютен-индекси 0,49, назоратдаги қиймат эса 0,53 эканлиги аниқланди.

6. Ноннинг махсуллаштирилган турлари учун технологик шартлар ишлаб чиқилган: «Оби – Дармон» нони ЖУ, ГУ ва НУ, «Тонг» нони ва «Мадор» нони (ТИ 15848696-04:2023) «Qadr Don Non Savdo» МЧЖ (Тошкент ш.) ишлаб чиқариш шароитларидаги ишланмаларнинг тажриба-саноат апробацияси ўтказилди. Мақсадли ноннинг ўрганиб чиқилган турларини саноатда ишлаб чиқаришидан кутилаётган иқтисодий самара белгиланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12/2019.T.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАХМУДОВА ДИЛДОРА ХАСАНОВНА

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА ХЛЕБА
ИЗ МЕСТНОГО БЕЗГЛЮТЕНОВОГО СЫРЬЯ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.4.PhD/T3258.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу (ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNeb» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Джахангирова Гулноза Зинатуллаевна
доктор философии (PhD), профессор

Официальные оппоненты:

Додаев Кучкар Одилевич
доктор технических наук, профессор

Гафурова Дилорам Аббасовна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «15» 08 2023 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.03/0312.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 573) (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «10» 06 2023 года.
(Протокол рассылки № 10 от «06» 2023 г.).



С.М.Туробжонов

Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор

К.П. Серкаев

Председатель Научного семинара при Научном
Совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире всё чаще стали диагностироваться глютенная энтеропатия (целиакия), обусловленное непереносимостью глютена проламиновая фракция белка злаковых культур, что вызывает различные расстройства желудочно-кишечной системы организма человека, лечение которой заключается в соблюдении пожизненной патогенетически сбалансированной и полноценной диетотерапии. Неуклонно растёт спрос на безглютеновый хлеб не только среди людей с заболеванием целиакией, но и с ростом числа людей, которым необходимо контролировать содержание глютена в своём рационе питания, а также придерживающихся «здорового» образа жизни качественным хлебом и хлебобулочными изделиями с высокой пищевой ценностью, а также расширение ассортимента актуален на сегодняшний день.

В мире особое внимание уделяется исследованию влияния сортовой муки, пшеничного зародыша, семян льна на качество хлебобулочных изделий с целью обеспечения населения высококачественными хлебопродуктами. В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на модификацию хлебобулочных изделий повседневного спроса, создание рецептур хлебных изделий, обогащенных физиологически активными добавками, повышение пищевой безопасности, биологической ценности, совершенствование технологий изготовления хлебобулочных изделий «Gluten-Free».

В республике достигаются определенные научные и прикладные результаты по совершенствованию технологий производства хлеба и хлебобулочных изделий целевого назначения. В стратегии развития нового Узбекистана «в рамках реализации программы развития пищевой промышленности необходимо расширять базу продовольственного сырья и постепенно увеличивать объем органической продукции, проводить научные исследования в целях расширения по видам продовольственных товаров, в рамках членства республики во Всемирной торговой организации определены зарубежные важные задачи по «привлечению специалистов»².

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана», № УП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», от 9 сентября 2020 года № 4821 «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в постановлении и решениях от 23 октября 2019 года ПП-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ОФ-60 «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы»

хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование соответствует приоритетным направлениям развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды», VII.

Степень изученности проблемы. Исследования по разработке основных принципов нутритивно сбалансированного и адекватного питания, повышению пищевой ценности и функциональных свойств хлеба и хлебобулочных изделий отражены в научных работах таких зарубежных и отечественных учёных, как В.И. Покровский, В.А. Тутельян, В.Н. Красильников, В.И. Дробот, Т.В. Матвеева, С.Я. Корячкина, Л.И. Кузнецов, Н.В. Лабутина, S. Rai, C.S. Chopra, Г.З. Джахангирова, И.Б. Исабаев, Т.И. Атамуратова, Л.Н. Хайдар-Заде и др.

Ими использовано генетически модифицированное и нетрадиционное сырьё, создали рецептуры хлебных изделий обогащенные физиологически активными добавками, разрабатывали усовершенствованные технологии производства хлеба и хлебобулочных изделий богатых витаминами.

Наряду с этим ведутся научные исследование по созданию рецептур хлебобулочных изделий на основе ржано-пшеничной муки с применением сорговой муки и пшеничного зародыша, масличных семян льна, оптимизации технологий производства безглютенового хлеба.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с темой прикладной научно-исследовательской работы Ташкентского химико-технологического института АМ-ФЗ-2019081448 «Разработка технологии производства безглютеновых хлебо-булочных изделий из местного сырья, рациональное использование отходов продовольственного производства» (2020-2023 гг), а также директивам Комиссии Содекс ФАО/ВОЗ и ТР ТС 027/ 2012 о безопасности определенных разновидностей пищевых товаров, в числе которых продукты диабетического, специализированного лечебного питания.

Цель исследования заключается в разработке технологии производства хлеба из местного безглютенового сырья для профилактического и лечебно-диетического питания людей с непереносимостью глютена злаковых культур.

Задачи исследования:

проанализировать состав, строение и систематизировать выбор безглютенового растительного сырья для производства хлеба;

обосновать теоретически и экспериментально выбор безглютенового растительного сырья как основного рецептурного ингредиента хлеба целевого назначения;

исследовать влияние исследуемых добавок и их композитных смесей на ход технологического процесса и потребительскую ценность готовых изделий;

подготовить технологические решения на новые виды безглютенового хлеба и с пониженным содержанием глютена, оценить их пищевую ценность;

